

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАСБГА
ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ, ШУ
ЖУМЛАДАН ТЎЛОВ-КОНТРАКТИНИ
ТЎЛАБ БЕРИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛАНМА**

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2024

Хотин-қизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан тўлов-контрактини тўлаб бериш бўйича услугий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 13 б.

Тузувчи: А. Кўлдошев

Ушбу услугий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада хотин-қизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан тўлов-контрактини тўлаб бериш тартиби содда тилда баён этилган.

Мазкур услугий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Хотин-қизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан тўлов-контрактини тўлаб беришни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари	5
Хотин-қизларни касбга ўқитиш қуидаги ҳолларда амалга оширилади: 6	
Хотин-қизларни касбга ўқитиш қуидаги ташкилотларда амалга оширилади:	6
Хусусий ташкилотларга ишга қабул қилинган, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни касбга қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш харажатларини компенсация қилиш тартиби:.....	10
Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби	11

Кириш

Сўнгги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда доимий аҳоли сони қарийб 37 млн. кишини ташкил этади, шундан 49 % аёллардир. Мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги роли, гендер тенглик ва оила масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

2023 йил давомида “Аёллар дафтари” га киритилган аёлларнинг 108 490 нафарининг муаммолари ҳал этилди, қолганлари билан бугунги кунга қадар манзилли ишланмоқда.

Жорий йилда БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида бўлиб ўтган БМТ Аёллар ҳолати бўйича комиссиясининг 68-сессиясида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. Ушбу Сессияда камбағалликни бартараф этиш ва гендер тенгликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

БМТнинг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунё бўйлаб аёлларнинг 10,3 фоизи ўта қашшоқликда яшамоқда. 2030 йилга бориб, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун камбағалликка барҳам бериш жараёни 26 баробар тезлаштирилиши лозим. Шу боис, сессияда бутун дунё ҳукуматлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва эксперталар аёлларнинг қашшоқлигини тугатиш ва гендер тенгликни оширишга қаратилган ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва сармояларни жалб қилиш масалаларига эътибор қаратдилар.

“Маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган ушбу қўлланмада хотин-қизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан тўлов-контрактини тўлаб бериш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Қўлланма Сиз учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиласиз.

Хотин-қизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан тўлов- контрактини тўлаб беришни тартибга солувчи қонунчилик хужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 июлдаги “Хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-329-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4939-сон қарори




Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 марта даги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 145-сон қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки отонасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 585-сон қарори



Хотин-қизларни касбга ўқитиши қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:



Хотин-қизларни касбга ўқитиши қуйидаги ташкилотларда амалга оширилади:

- * Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидағи «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-хунарга ўқитиши марказлари ҳамда маҳаллаларда ташкил этилган касбга ўқитиши масканларида;
- * вазирлик ва идоралар тизимидағи профессионал таълим муассасаларида ташкил этилган қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиши курсларида;
- * нодавлат касб-хунарга ўқитиши ташкилотларида амалга оширилади.

Иш берувчи ходимини касбга қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш харажатининг бир қисмини компенсация қилишни сўраб **Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармасига** ёзма ёки электрон равища мурожаат қиласди.



Туман (шаҳар) ҳокимликлари, камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимлари оила ва хотин-қизлар бўлимлари билан биргаликда

**келгуси йилнинг I ярим
йиллиги учун**

ҳар йили 10 декабрга қадар

- ⇒ ҳудудларда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотларининг малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганади;
- ⇒ касбга ўқитишга эҳтиёжи бўлган хотин-қизларнинг касб йўналишлари кесимида давлат буюртмасини ишлаб чиқади;

**келгуси йилнинг II ярим
йиллиги учун**

ҳар йили 10 июнга қадар



10

⇒ ишлаб чиқилған давлат буюртмасини тасдиқлаш учун Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашларга тақдим этади.

Хотин-қизларнинг малакасинин баҳолаш:


Қарақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, Қарақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари давлат буюртмаси асосида давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқиган хотин-қизларнинг малака даражасини баҳолаш учун уларнинг малакани баҳолаш марказларига, шу жумладан «Ишга марҳамат» мономарказларида ташкил этилган малакани баҳолаш марказларига юборилишига қўмаклашади.



Бунда, нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқиган хотин-қизлар малака даражасини баҳолатиш учун ўзлари тегишли тартибда ихтиёрий равишда мурожсаат қилиши мумкин.



Касбга ўқитилган
хотин-қизлар
малакаси
баҳоланади



Баҳолашдан
муваффақиятли
ўтган хотин-қизларга
10 кун ичидаги малака
сертификати
берилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-
4939-сон қарори асосида

Маълумот учун:

Хотин-қизларни касбга ўқитиш билан боғлиқ фаолият Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлари ҳисобидан тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида молиялаштирилади.

Бунда, нодавлат таълим ташкилотларида ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчи хотин-қизга касбга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баробаридан ошмаган миқдори давлат томонидан қоплаб берилади.

Хусусий ташкилотларга ишга қабул қилинган, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни касбга қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш харажатларини компенсация қилиш тартиби

«Ёшлар дафтари» рўйхатида мавжуд бўлган ёки бандлиги таъминлангани сабабли ундан чиқарилган, хусусий корхона ёки ташкилотга ишга қабул қилинганига б ойдан ошмаган ёш ходимларни касбга қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш билан боғлиқ бўлган **харажатларнинг 50 %и**, бироқ **БҲМнинг 4 бараваригача** бўлган қисми Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилинади.

Электрон реестрга киритиш учун касбга қайта тайёрлаш фаолиятини амалга оширувчи таълим ташкилотлари белгиланган тартибда электрон тарзда мурожаат қиласди.

Электрон реестрга қўйидаги таълим ташкилотлари киритилиши мумкин:

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимидағи «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касбхунарга ўқитиш марказлари

профессионал таълим ташкилотлари

хўжалик юритувчи субъектларнинг ўқув марказлари ва бўлинмалари

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмаларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ташкилотлари ҳамда уларнинг ҳузуридаги ўқув марказлари

таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар

шогирдларга касб ўргатиш имкониятига эга бўлган «Хунарманд» ўюшмасига аъзо бўлган хунармандларнинг «Уста-шогирд» мактаблари

Касбга қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш харажатларини қоплаш тартиби:

Иш берувчи ходимини касбга қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш харажатининг бир қисмини компенсация қилишни сўраб Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармасига ёзма ёки электрон равища мурожаат қиласди

Тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мувофиқ бўлганда уларни Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппаратига юборади

Иш берувчи томонидан
Ходимининг таълим ташкилотида касбга қайта тайёрланишини таъминлайди

Ҳужжатлар тушгандан сўнг беш иш кунида Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппарати ўлов графикига мувофиқ компенсация тўлаб бериш муддати ҳақида СМС хабар юборади

Аризачи томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда ходимни касбга қайта тайёрлаш харажати бир қисмини ариза берувчининг ҳисоб рақамига ўтказади


Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки отонасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили ўзларининг ҳудудларидан ўқишига кирган 40 нафардан, иккинчи ва ундан

юқори босқичларда таҳсил олаётган 110 нафар, жами 150 нафар хотин-қизлар учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан базавий тўлов-контракт суммасини тўрт ўқув йилининг якунланишига қадар тўлаб беради.

Бунда талабгорларнинг иккинчи ва ундан кейинги ўқув йиллари учун ўз худудларидағи тижорат банклари томонидан таълим кредитлари расмийлаштирилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўз худудларидағи талабгорлар учун учинчи шахс кафиллигини беради ҳамда ўқишини тамомлагандан сўнг уларни иш жойи билан таъминлайди.

Кимларнинг тўлов-контракт миқдори тўлаб берилади:



Бунда кам таъминланган оила деганда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали белгиланган тартибда кам таъминланган деб эътироф этилган оила тушунилади

Маълумот учун:

Тўлов-контракти давлат олий таълим муассасасининг бакалавриат таълим йўналишига (таълим шаклидан қатъи назар) талабаликка тавсия этилган, иккинчи ва ундан юқори босқичларда таҳсил олаётган талабгорларга тўлаб берилади.

**Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг
қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим
олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Амалга ошириш механизми	Субъектлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишига қабул қилиш бўйича ўтказилган кириш имтиҳонлари (тест синови, касбий (ижодий) имтиҳон) якуни бўйича танлов натижаларини эълон қилиш.	Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси, Давлат тест маркази	Тест синовлари тўлиқ якунлангандан кейин бир ҳафта ичida
2-босқич	Белгиланган мезонларга мос келувчи хотин-қизлар томонидан олий таълим муассасалари қабул комиссиясига моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан мурожаат қилиш.	Талабгорлар	Тест натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 10 календарь кун давомида
3-босқич	Базавий тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва иккинчи ва ундан юқори босқичларда таҳсил олаётган, белгиланган мезонларга мос талабгорлар рўйхатини шакллантириш.	Давлат олий таълим муассасалари	Тест натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 5 календарь кун давомида
4-босқич	Талабгорлар рўйхатини Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига юбориш.	Давлат олий таълим муассасалари	Тест натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 5 календарь кун давомида
5-босқич			

	<p>Талабгорларнинг рўйхатини доимий яшаш жойи бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юбориш.</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>	<p>5 календарь иш куни ичида</p>
6-босқич	<p>Комиссия аъзоларини туман (шаҳар)ларга бириктириш.</p> <p>Туман (шаҳар)ларга бириктирилган Комиссия аъзоси, туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи ҳамда тегишли маҳалладаги хотин-қизлар фаолларидан иборат таркибида ишчи гуруҳни тузиш.</p>	<p>Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки отонасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш комиссияси (кей?нги ўринларда — Комиссия)</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан рўйхат юборилган куни</p>
7-босқич	<p>Талабгорларнинг доимий яшаш жойи бўйича ижтимоий ҳолатини ўрганиш.</p> <p>Ҳар бир талабгор бўйича далолатнома тузиш ва Комиссияга тақдим қилиш.</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи ҳамда тегишли маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари (кейинги ўринларда — Ишчи гурух)</p>	<p>5 календарь иш кунида</p>
8-босқич	<p>Ишчи гуруҳ томонидан тақдим этилган тегишли хужжатларни ўрганиб, 150 нафар хотин-қизларни саралаб олиш ва баённомани расмийлаштириш</p>	<p>Комиссия</p>	<p>5 календарь иш кунида</p>

	ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига юбориш.		
9-босқич	Тавсияномаларни тасдиқлаш ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юбориш.	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	10 календарь иш кунида
10-босқич	Базавий тўлов-контракт суммалари тўлаб берилиши белгиланган (тавсиянома берилган) хотин-қизлар рўйхатини ҳамда шартномани имзолаш бўйича хulosаларни тегишлилиги бўйича давлат олий таълим муассасаларига ёзма равишда киритиш ва белгиланган тартибда шартномаларни расмийлаштириш.	Комиссия	Ҳар бир ўқув йилида 1 октябрдан кеч бўлмаган муддатда

Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун

ТАВСИЯНОМА

<p style="text-align: center;">ТАВСИЯНОМА № АА 0000</p> <p>Ушбу тавсиянома фуқаро _____ га <i>(фамилияси, исми, отасининг исми)</i> <i>(паспорт серияси ва рақами)</i> Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг 20____ йил «__»____ даги ____-сон буйруғига асосан берилди. М.Ў. <i>(мансадбор шахснинг Ф.И.О., имзо)</i> 20____ йил «__»_____ </p>	<p style="text-align: center;">ТАВСИЯНОМА № АА 0000</p> <p>Ушбу тавсиянома фуқаро _____ га <i>(фамилияси, исми, отасининг исми)</i> <i>(паспорт серияси ва рақами)</i> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20____ йил «__»____ даги ____-сон қарорига мувофиқ ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун берилди. Тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг 20____ йил «__»____ даги ____-сон буйруғига асосан берилди. </p>
--	--

Тавсиянома расмийлаштириб берилган
санадан эътиборан бир йил муддат
давомида кучга эга бўлади.
Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-
қизлар давлат қўмитаси

(Ф.И.О.)
(М.Ў., имзо)

20__ йил «__»_____